



ҲАЗРАТИ ОЛИЙ ИШЧИЛАР СИНФИ ЎЗ САФИГА ЧОРЛАЙДИ СИЗНИ!

Ш. Р. Рашидов
номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати — Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг байроқдори

Унинг биринчи навбати 1934 йилда фойдаланишга топширилган. Уша пайтдаёқ корхона ўлкамиз тарихида учрамаган улкан қуваатга: 112700 янгирув урчуми, 3264 тўқув дастгоҳи, йилга 1000 бўлак газлама ишлаб чиқарадиган пардозлаш фабрикасига эга эди.

Корхонанинг асосий томони шундаки, у фақат табиий газмол ва ип ишлаб чиқаради. Деярли беш минг йилдан бери маълум бўлган камол, жум, пахта, ипак каби табиий то-

лалар шу пайтгача тўқимачилик саноатининг асосий хом ашёси бўлиб хизмат қилмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати Ўзбекистон ва Туркманистон пахта далаларида етиштирилган пахтани қайта ишлайди. Унинг цехларида республика қоқ олтинчи чиройли, енгил газламага, пишқи ипга айланади. Комбинат ишлаб чиқарган маҳсулот тури — чит, бўз, кўйлакки ип газлама ва бошқа газламалардан иборатдир.

Ҳар йили комбинат тикувчилик ва савдо ташкилотларига беш хил давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлган 200 миллион метрга яқин газлама етказиб беради. Комбинатни енгил саноат индустриясининг гiganт дейиш мумкин — бу ерда 12 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади.

Йилдан йилга тўқимачиларнинг иш шартлари яхшиланиб бормоқда — цехлар реконструкция қилинмоқда, янги, замонавий ускуналар ўрнатилмоқда. Комбинат филиаллари кенгаймоқда. Тўқимачиларнинг маънавий шартлари яхшиланмоқда, ўқиш учун, мириқиб ва маданият дам олишлари учун шарт яратилган.

ҲУРМАТЛИ ДУСТЛАРИ!

Ш. Р. Рашидов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчилари катта ишчилар оиласига сизни қувонч билан таклиф этади!



ЙИГИРУВЧИ

Қисқача касб ҳақида. Қалава тайёрлаш тўқимачилик ишлаб чиқаришидаги энг муҳим жараёнлардан биридир. Қалава йигирув машиналарида арқодан тайёрланади, сўнг сўрувчи ускунадан ўтиб металл урчқдаги патронга ёки найчага ўралади. Йигирувчи арқоқни кузатиб туради, бўшаган ўрамларни тўласига алмаштиради, узилган арқоқ ёки қалавани улайди. Бир йигирувчи ҳар бирида 384 тадан 416 тагача урчғи бўлган 6 тагача машинага хизмат қилади.

Йигирувчи арқоқ ва қалаванинг яроқсизлигини, ипларнинг узилишини олдини олиши ва бартараф этишнинг асосий усулларини билиши керак, машина ишидаги носозликни олдиндан билиши лозим.

Бу касб учун зарур сифатлар. Йигирувчи яхши кўра оладиган, диққатини жамлай ва тақсимлай биладиган, бир иш туридан иккинчисига тез ўта оладиган, қўллар ҳаракатини мувофиқлаштира биладиган, сезгир бўлиши керак. Саранжомлилик, масъулиятлилик, виждонлилик, босиқлик каби ҳислатлар йигирувчига хос бўлмоғи лозим.

МАСТЕР ЁРДАМЧИСИ

Қисқача касб ҳақида. Ускуналарнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш— тўқимачилик ишлаб чиқаришида мастер ёрдамчисининг асосий вазифасидир. Мастер ёрдамчиси дастгоҳларни заврапка қилади, созлайди, ремонт қилади ва мойлайди, машиналарни мунтазам равишда текширади ва кузатади ҳамда ўз вақтида уларнинг камчилигини бартараф этади. Унинг иш функцияси фақат шундан иборат эмас. Ишлаб чиқаришда мастер ёрдамчиси бригада раҳбарларидан бири бўлиб, унинг зиммасига бригада учун барча: материаллар, ярим фабрикатлар, деталлар ва бошқа зарур бўлган нарса-лар билан таъминлаш қиради. Мастер ёрдамчиси бригадирга ўшаб ишчилар ўртасида ишларни тақсимлаб беради, уларни илгор иш усулларини ўзлаштиришга ўргатади, ўз участкасидаги техника хавфсизлигига риоя қилишга жавоб беради. Мастер ёрдамчиси — тўқимачилик ишлаб чиқаришида энг кенг тарқалган эркаклар касбидир.

Мастер ёрдамчиси: тўқимачилик машиналари ва ускуналарнинг тузалишларини ва асосий иш принципларини, уларни профилактик ремонт қилиш усулларини, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларга бўлган асосий талабни билиб олиши лозим. Бундан ташқари, мастер ёрдамчиси бригада ишчилари фойдаланадиган барча иш усулларини билиши керак.

Бу касб учун зарур сифатлар. Бу иш эгасидан йигирувчилик, техник чиниққанликни, диққат эътиборлиликни, қўл ҳаракатларини аниқ мувофиқлаштири олишни, низмаларни тез ва осон ўқий билишни талаб қилади. Мастер ёрдамчиси ташкилотчи ва бригада коллективига раҳбарлик қила оладиган интизомли, техник саводли, ояқ кўнгил ва маълумотли, ўзига ва қўл остидагиларга талабчан бўлиши лозим.

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТУЛАШ


Барча касбдаги ишчилар учун ишбай-мукофотли иш ҳақи жорий қилинган.

Малакали йигирувчининг ва тўқувчининг ўртача ойлик иш ҳақи 150—250 сўмни ташкил этади. Қалаваловчи ва охорловчининг ўртача ойлик иш ҳақи эса 150—180 сўм. Мастер ёрдамчисининг иш ҳақи 160—280 сўм, гул босувчиники эса 150—250 сўм.

Корхонада ишлаб чиқариш плани бажарилганда ойлик мукофот ва ўн учинчи маош тўланади.

СИЗНИНГ КЕЛАЖАГИНГИЗ

Ишлаб чиқариш малакасини ҳосил қилгач ва махсус маълумот олгач юқори малакали ишчи, участка мастери, бригадир, инженер-техник ходим бўлишингиз мумкин.





КАЛАВАЛОВЧИ

Қисқача касб ҳақида. Ипни тўқишга тайёрлашдан олдин у қалавалаш машиналарида ўралади. Газлама тўқишдаги кейинги операциялар осон бўлиши учун ип ғалтакларга, бобиналарга ёки қалаваларга ўралади. Ураш жараёнида ипнинг узилиши ёки камчиликлари бартараф этилади. Қалаваловчи машиналарнинг пастки қисмидаги ип ўрамларини шпул ушлагичга ўрнатади. Машинанинг юқори қисмида ип ўраладиган бобиналар бўлади. Битта бобинага — 25-30 ғалтак ип жойлашади. Ураш пайтида ҳар бир ип узунаси бўйича текширилади — ингичка тортиб ёки йўғон бўлиб қолган жойлари йўқотилади. Қалаваловчи ипнинг урчқдан чиқилиши кузатиб туради. Узилган ипларни улайди, бўшаган ғалтакларни тўласига алмаштиради ва ишлатиб бўлингган бобиналарни олиб қўяди.

Қалаваловчи ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифатида бўлган асосий талабларни, ип ўрашдаги нуқсонларни ва уларни бартараф этиш усулларини, машинадаги носозликларни била олиши лозим.

Бу касб учун зарур сифатлар. Қалаваловчилик касби саранжомлилик ва ниҳоятда ингичка иплар билан муомала қилганда ўта эҳтиёткорликни, яхши кўра олишни, диққатни тезда ўзгартира билиш



ТЎҚУВЧИ

қобилиятини, қўл ҳаракатларини тез ва аниқ мувофиқлаштири олишни талаб этади. Бундан ташқари масъулиятлилик ва виждонлилик хусусиятлари ҳам қалаваловчига хос бўлиши керак.

Қисқача касб ҳақида. Тўқувчилик касби ишонч билан айтиш мумкинки, тўқимачилик саноатида энг асосий касбдир. Тўқувчининг асосий вазифаси газлама ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш, газлама бир хилда ва камчиликсиз бўлиши учун тўқув станоклари ишини бошқаришдир. Тўқимачилик жараёни ипларни тўқишдан, узилган ипларни улашдан иборат. Тўқувчи станокни ишга тайёрлаб, уни юргизар экан ҳар бир деталнинг тўғри ишляшини кузатади, технологик жараён узлуксиз бўлиши учун қатор операцияларни амалга оширади. Маҳсулот сифатини ва хом ашёдан тежаб-тергаб фойдаланишни назорат қилади. Тўқувчи газламани тўқийди, асосий ва мокидаги ипларнинг узилишини бартараф этади. Мокини тўлдирди ва алмаштиради. Одатда тўқувчи бир вақтнинг ўзида бир неча станокка хизмат қилади.

Тўқувчи турли тилдаги станокларнинг тузилишини ва иш принципларини, асос ва арқоқдаги ипнинг, газламанинг сифатига бўлган асосий талаб-

ларни, ипдаги узилишнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда станокларни созлаш усулларини билиши керак.

Бу касб учун зарур сифатлар. Тўқувчи ўткир кўриш қобилияти, қўллар ҳаракатини мувофиқлаштири оладиган, юксак масъулиятли, диққатни тез жамлай ва тақсимлай оладиган, бир иш туридан иккинчи иш турига тезда ўта биладиган бўлиши керак.

ГУЛ БОСУВЧИ

Қисқача касб ҳақида. Гул босувчилик тўқимачилик ишлаб чиқаришида энг асосий касблардан бири. У газмолларга рангли суратлар босиш билан шуғулланади. Гул босувчи босма машинани ишга тайёрлайди, унга газмолли роликларни ўрнатади ва газламани машинага тўғрилайди. Суратларни босиш жараёнида, машинага келётган матонинг сифатини ва унинг бўялгандан кейинги сифатини кузатиб туради. Газламаларнинг йўналишини, тортилишини ва ҳолатини назорат қилади, суратни туширишда қатнашади. Газмолли роликларни алмаштириб туради, артиб, мойлаб қўяди. Гул босувчи босиш машинасининг тузилишини, газламаларнинг гул босишга келётган ва гул босилган газламаларга бўлган талабларни, босиш пайтида пайдо бўладиган камчиликларни ва уларни бартараф этиш йўлларини, газламани машинага тўғрилаш ва суратни алмаштириш пайтида уни йиғиш ва бузиш қондаларини билиши керак.

Бу касб учун зарур сифатлар. Гул босувчи сезгир бўлиши, бир иш туридан иккинчи иш турига тезда ўта олиши, диққатини жамлай билиши керак. Бу касб ранглари яхши ажрата билишни талаб қилади.

ОХОРЛОВЧИ

Қисқача касб ҳақида. Тўқув дастгоҳида газмол асосини ташкил этган ип-арқоқ пишқи, жуда оз ишқаланиш қаршилигига эга бўлиши лозим. Унга бу хусусиятларни охорловчи — шлихтовальщик беради. Бу касб эгаси қайта ишланган иплар тўқимачилик навоий—катта ғалтакка ўраладиган шлихтовальщик машинасида хизмат қилади. Охорловчи шлихтовальщик машинасида кимёвий ва термик қайта ишловчи ип ўралган мокисимон валикларни ўрнатади. Унинг асосий вазифаси ипга кимёвий ишлов бериш ва қуритиш жараёнларини назорат қилиш, охорловчи аралашмани тайёрлашдан иборат. Одатда бу касбда 18 ёшдан кам бўлмаган эркаклар ишлайди.

Охорловчи шлихтовальщик машинаси тузилиши ва ишлаш принципини, охор берувчи моддаларнинг кимёвий таркиби ва уларни тайёрлаш усулларини, назорат ўлчов ускуналари билан ишлаш қондаси ва турларини: ип сифатига қаратиладиган асосий талабларни билиши зарур.

Бу касб учун зарур сифатлар. Охорловчига нисбатан қуйидаги талаблар қўйилади: тартиблилик, қўлларнинг аниқ ҳаракати, диққатни тўплай билиш, ишлаб чиқариш жараёнининг ўзгарувчан параметрларига тезлик билан жавоб бера олиш ва оператив қабул қила билиш. Охорловчи мустақил, омилкор, ўзини тутта биладиган бўлиши лозим.

КОЛЛЕКТИВНИНГ СОЦИАЛ ҲАЕТИ.

Тўқимачилик саноати ишчиларининг малака оширишлари, маданий-маънавий дам олишлари, саноатчиларини мустақамлашлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Комбинат қошида ижодий тўғарақлар ва секциялар доимий ишлаб турган Маданият саройи бор. Комбинат ишчиларининг фарзандлари баҳаво ерга жойлашган пионер лагерига ёзда дам оладилар. Дам олиш кунларини ва меҳнат отпускарларини Тошкент денгизи яқинидаги дам олиш базасида ўтказишлари мумкин. Комбинатнинг яхши жиҳозланган спорт-соғломлаштириш комплекси бор. Яқинда комбинат территориясида даволаш-соғломлаштириш профилакторийси ишга тушган. Ишчиларнинг фарзандлари мактабгача тарбия муассасаларига жойлаштирилган.

ҚАНДАЙ ИМТНЕЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАСИЗ?

Комбинат ишчилари ўрта махсус ва олий ўқув юрталарининг кечки ёки сиртқи бўлимига имтиёзли қабул қилиниши ҳуқуқига эгалар.

Асосий касб ишчилари агар улар ўз мутахассисликлари бўйича 20 йилдан кам ишламаган бўлсалар 50 ёшдан бошлаб пенсияга чиқадилар.

БУ КАСБЛАРНИ ҚАЕРДА ЭГАЛЛАШИНГИЗ МУМКИН?

Санаб ўтилган барча касбларни бевосита ишлаб чиқаришининг ўзида яқка тартибда таълим олиб ўрганиш мумкин. Ишлаб чиқариш таълимнинг муддати 6 ойдан бир йилгача.

Бундан ташқари танланган касбларни базавий 85-хунар-техника билим юртида (А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй), 227-хунар-техника билан юртида (Олмасор кўчаси, 185-уй), тўқимачилик комбинатининг 228-тармоқ техника билим юртида (Собир Раҳимов кўчаси, 313) эгаллашингиз мумкин.

БИЗНИНГ СПРАВКА.

Мабодо сизда танлаган касбингиз бўйича бирор савол туғилса меҳнат органлари ходимларидан, Ўзбекистон ССР Меҳнат Давлат комитетининг ёшларни касбга йўналтириш консултацияси ва касб танлаш кабинети (Анҳор бўйи, 8) ва бевосита Тошкент тўқимачилик комбинати — Тошкент шаҳри, Ивановлик тўқимачилар кўчаси, 6-уйдан жавоб олишингиз мумкин. Телефонлар: 53-97-58, 53-97-46.

Материалларни Ўзбекистон ССР Меҳнат Давлат комитети ёшларни касбга йўналтириш консултацияси ва касб танлаш кабинети билан Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Ш. Р. Рашидов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати биргаликда тайёрлаган.